


Ўтқир Рашид

ҲИЛАРИМ






Mr. J. H. P. [unclear]

[unclear] [unclear]

[unclear] [unclear]

Уз 2
Р-31

Ўткир Рашид



ЎЙЛАРИМ

ИНТЕРМЕДИЯЛАР,
ҲИКОЯЛАР,
ОЧЕРКЛАР,
ПЬЕСАЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

31
P 31

P 70303 — 127
M352(04) — 82 26 — 82 4702570200

ИНТЕРМЕДИЯЛАР

ТУГИЛГАН КУН

4-синф ўқувчилари синфдошларининг тугилган кунига келишган. Опа болаларни дастурхонга таклиф қилиб, уларни эркалайди.

Опа. Вой, мана бу қизча мунча ширин экан-а! Мана буниси ундан ҳам ширин-а! (*Қизига.*) Ўртоқларингга раҳмат, дегин, Замира, тугилган кунингини табриклаб келишибди. Раҳмат, қизларим, раҳмат. Қани ўтиринглар, дастурхонга қаранглар, мен овқатга уринай.

Чиқади. Ширакайф ота киради.

Ота. Эй, ҳа... хуш келибсизлар, меҳмончалар! Бугун ширин қизим Замирахоннинг тугилган кунлари экан-да. Ҳа, яхши, яхши. Э-э, э-э, дастурхонларингизда шиша кўринмайди-ку? Бу қандай бўлди? Шишасиз ҳам именина бўладими? Йўқ, бу мумкин эмас! (*Шкафдан коньяк, ароқ олиб столга қўяди.*) Мана энди именинага ўхшади. (Рюмкаларга қуйиб болалар олдига қўяди.) Биз — ўғил болалар, ўғил болачасига ароқ ичамиз-а? Қиз болалар, майли, коньяк ичишсин. Қани, кўтаринглар! (*Болалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашади.*) Э-ҳа, сизлар, ахир, именинага келгансиз-ку, қани, кўтаринглар!

1-бола. Биз бунақа нарсаларни ичмаймиз, амаки.

Ота. Мана энди ичасизлар-да! Мана, бугун биринки марта ичсаларинг ўрганиб кетасизлар. Ҳа, ҳали

ёшислар, ёшлар тез ўрганувчи бўлади. (*Бир болага*) Қани, ботир йигит, сиз бошлаб беринг. (*Унга рюмка тутқазади.*) Ҳа, азамат, олинг. Ўғил бола деган ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлади. Қани, бир кўтаришда оливоринг. Ҳа, Замирахоннинг соғлиғига, қани!

И-б-о-л-а. Пўқ, амаки, мен ичолмайман.

О-т-а. Ана холос! Бундан чиқди, синфдошингиз Замирани ҳурмат қилмас экансизда-а?! Баракалла! Ё ичишдан қўрқасизми? Ичишнинг ҳеч қўрқадиган ери йўқ. (*Рюмкани кўтариб.*) Бу роҳати қулт-қултни оғизга олиб бориш бир оз қийинроғу, оғизга боргандан кейин томоқдан сариёғдек лиқ этиб ўтади-кетади. Мана, қаранг (*ичади*). Бай-бай, роҳат-а, роҳат... Сиздақа ўғил болаларнинг ичишдан қўрқиши уят, ҳа, уят. Қани, қизлар, олинглар. (*Бир қизга.*) Қани, қизим, анави синфдошингиз йигитчани уялтириб бир кўтариб юборинг! (*Қиз уялиб чиқиб кетади.*) Ие-ҳа, қаёққа? Ойингиздан сўраб келасизми дейман? (*Қотиб кулади, қизларга*) Бу дугоналарингиз ҳам бўлмади. У қанақа қиз ўзи? Ўқишдан ҳам мазаси йўқдир-а? (*Ичади.*) Мана, ичиш мана бунақа бўлади. Қани, энди, ҳаммаларинг рюмкадагиларни бир кўтариб юборинглар-чи! (*Бир болага*) Ҳа, қани-қани, йигит, қуйиб чиқинг. (*Бола чиқиб кетади.*) Вой болапақир-эй, нодон-эй! Нодон бўлмасанг шундай нарсани ташлаб кетасанми? (*Унинг рюмкасини олиб*) Бай-бай... Эсизгина ароқ, уволгина-я, (*ичади, 2-болага*) қани, олинг-чи (*бола чиқиб кетади, унинг рюмкасини ҳам ичади, 3-болага.*) Қани, сиз-чи? (*Бола чиқиб кетади.*) Сен ҳам кетдингми? Ўзим ичиб қўя қолай. (*Унинг рюмкасини ҳам ичади.*) Қани, навбат кимники, кимникини ичай? (*Болаларнинг ҳаммаси чиқади.*) Ҳаммаларинг чиқиб кетдингларми, ҳаммаларингникини ўзим ичиб қўя қолай. (*Маст бўлиб қолган ота ҳамма рюмкаларни ичиб бўшатади.*) Мана, именина деган бунақа бўпти. (*Яна қуйиб ича бошлайди. Кўз ёшини артиб Замира киради.*)

З-а-м-и-р-а. Ўртоқларимнинг ҳаммаси кетиб қоляпти.

О т а. В ой ш и р н и қ и з и м - э й... ш у н г а ҳ а м й и н г л а б ю р и б с и з м и? Э р т а г а я н а и м е н и н а қ и л а м и з - қ у я м и з - д а. Ў р т о қ л а р и н г и з н и я н а ч а қ и р а с и з. Я н а и ч а м и з... и ч а м и з...

О н а к и р а д и. О т а ў з и н и т у т и ш г а у р и н и б, қ ў л и д а г и р ю м к а н и
З а м и р а г а у з а т а д и.

И ч м а й м а н, қ и з и м, и ч м а й м а н. М а н а а я н г и з д а н с ў р а н г.
С ў з б е р г а н м а н, с и р а и ч м а й м а н...

О н а. Ҳ а, д а д а н г и ч м а й д и л а р... м а й л и, д а д а с и, б у г у н и ч и н г, М а н а ш у н и б и р и ч и б ю б о р и н г. (*П и ё л а д а с п и р т у з а т а д и.*)

О т а. Н и м а д е д и н г и з, о н а с и, б у г у н б и р и ч и н г, д е й с и з м и? Т и л и н г и з м у н ч а ш и р н и, т и л и н г и з д а н ҳ а м, ў з и н г и з д а н ҳ а м ў р г и л а й. Б у г у н қ и з и м и з н и н г т у г и л г а н к у н и д а, а? М а й л и - м а й л и, и ч а қ о л а й. (*П и ё л а н и қ ў л и г а о л и б т у р г а н д а х о т и н п и ё л а д а г и с п и р т г а г у г у р т ч а қ и б ю б о р а д и. С п и р т ё н а д и. О т а ж о н ҳ о л а т д а п и ё л а н и т а ш л а б ю б о р а д и.*)

О н а. М а н а, к ў р д и н г и з м и! Б у м а н а ш у н а қ а ё н а д и. О д а м н и ҳ а м ё н д и р а д и. И ч м а й м а н, д е б я н а и ч с а н г и з, м а н а ш у с п и р т н и у с т и н г и з д а н қ у я м а н у г у г у р т ч а қ и б ю б о р а м а н.

О т а. А?..

О н а. Ҳ а!..

МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Мезбон кўчада меҳмон кутяпти. Биринчи меҳмон қўлида совға билан келади.

1-меҳмон. Салом, хўжайини!

Мезбон (*қўзи совғада.*) Э-э... Э-э, келинг, меҳмон. Ҳалиги, зап келибсиз-да.

1-меҳмон. Меҳмондорчиликка бизни ҳам таклиф қилган экансиз, келдик-да, хўжайин (*совғани бериб*). Арзимас совға.

Мезбон. Раҳмат, ҳалиги, э... бекорга овора бўлибсиз-да. Бу нимасийди?

1-меҳмон. Соат, бу соат.

Мезбон. Ҳалиги... соат ҳам яхши нарсa, майли-майли. Қани, ичкарига! (*Меҳмон ичкарига киради.*) Ҳа, бу меҳмонга нон-чой қўйсанг бўлади. Лекин овқат ҳайф. Соат ҳам буюм бўлди-ю! Назари пастлигини қаранг буни, хайр, майли!

Иккинчи меҳмон келади. Унинг қўли орқасида.

2-меҳмон. Салом, хўжайини!

Мезбон. Салом... Э, салом, салом! (*Унинг у ёқ-бу ёғига аланглаб қарайди. Қўлида ҳеч нарсa йўқлигини кўриб, совуқ кутиб олади ва эшикдаги столга таклиф қилиди.*) Ҳалиги, анақа, қани ўтиринг. (*Тескари қараб.*) Сен ичкари кирмай, мана шу ерда ўтирсанг ҳам бўлаверади. Вой мулла қуруғ-эй... Шунақа одамларга ҳай-

ронсан киши. Сени биров иззат қилиб меҳмондорчилик-ка чақирганда икки қўлингги бурнингга тиқиб келгандан кўра, бирор совға-повға олиб келмайсанми? Ҳалиги анақа, бирорта гилам-пиламини, бўлмаса, беш-олти метр гилам-дорожками, жуда бўлмаса, бозори чаққон жерси пальтоми, кимни ўлдирибди. Совғанг бўлмаса келиб нима қиласан? Сенга кимнинг кўзи учиб турувди?

Учинчи меҳмон келади.

3-меҳмон. Ассалому алайкум. Олгир ака! Мана буни олсинлар.

Қогозга ўроглиқ парса беради.

Мезбон. Салом!.. (Совгани шошиб олади.) Қани, марҳамат, ичкарига. (Меҳмон ичкари киради. Мезбон совгани очиб кўради.) Бир кийим атлас. Вой қурумсоғ-эй! Ҳа, атлас олиб келар экансан, шуни тоқ қилмай, жуфт олиб келсанг асаканг кетармиди.

Иккинчи меҳмон ўрнидан туради.

2-меҳмон. Совғасиз келганга бир пиёла чой ҳам йўқ. Шўринг қурсин, меҳмон.

Чиқиб кетади. Тўртинчи меҳмон киради.

4-меҳмон. Салом, дўстим! Бугун уйингга меҳмон келар экан, эшитиб келдим-да. (Мезбон унинг қўли қуруқлигини кўриб, энсаси қотади ва совуқ қарши олади.) Нима, тобинг йўқми, кайфиятинг паст кўринади?

Мезбон. Қайфим яхши эди, ҳалиги, анақа, ҳозир ёмонроқ.

4-меҳмон (ўйланиб). Ҳа, кайфинг ёмонлигини тушундим. (Мезбонга.) Ҳозир келаман.

Мезбон. Яна келар эмиш. Қелиб нима қиласан? Қуруқ сумбатингни томоша қиламанми? Ҳалиги, меҳмондорчиликка чақиришдан мақсад нима эканини тушунмасанг, нега келасан?

Тўртинчи меҳмон катта тугун кўтариб киради. Мезбон сўйиб, уни хурсанд кутиб олади.

Қаёққа кетиб қолдинг, дўстим? Ҳалиги, анақа, ҳозир уйингга одам юбормоқчи бўлиб турган эдим.

4-меҳмон. Сенга атаган бир совғам бор эди, шу эсимдан чиқиб қолибди. Шунини олиб келдим. Ма, ол!

Мезбон. Ҳалиги, анақа, совға дейсанми? Ҳа, майли-майли. *(Совғани олади.)* Қани, ичкарига кир, дўстим, ичкарига!

4-меҳмон. Мана энди биз ҳам ичкарига кирадиган бўлдик.

Меҳмон ичкарига киради. Мезбон тугунин кўтариб кўради.

Мезбон. Дўстим, ҳалиги, анақа, яхши совға олиб келганга ўхшайди. Ҳар қалай, дўст-дўст-да. Раҳмат, сенга, дўстим, раҳмат. *(Тугунни очиб кўради, қоғозга ўралган бир нарсани чиқариб.)* Қайта-қайта ўралган қоғозни очади. Нима бало, тилсимми бу? «Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор» деганлари пиёз эди. Бу нима экан? *(Ўроғлиқ қоғозни яна очади, охири қоғозга ўралган иккита гишт чиқариб.)* Бу нима бўлди? Шоколаднинг катта дадасими? Йўқ, гишт-ку. Ҳа, гиштининг ўзгинаси. *(Гишт ўралган қоғозга ёзилган ёзувни ўқийди.)* «Очкўз мезбон» *(Иккинчи гиштдаги ёзувни ўқийди.)* «Очкўз дўстимга эсдалик—«совға». Ҳалиги, «дўстингдан топ» деганларидек, дўстим мени роса тузлабди-ку!

ИСКАБТОПАР

Шошиб кетаётган бир йигитнинг йўлини иғвогар тўсади. Иғвогар икки қўли билан ҳассага таяниб, атрофга аланглаганча хавотирлик билан гап бошлайди.

Иғвогар. Адашмасам, сиз газетхонада ишлайсиз-а? Бизнинг маҳаллада турасиз, шундайми?

Йигит. Хўш, нима қилди, амаки?

Иғвогар. Сизбоп бир материал бор, жуда галати материал.

Йигит. Майли, идорага боринг, ўша ерда гаплашамиз. Мен ҳозир жуда зарур иш билан шошиб турибман. *(Йигит кетмоқчи бўлади, иғвогар яна унинг йўлини тўсади.)*

Иғвогар. Бу ҳам жуда зарур. Бунақа ишга сиз газетчилар қизиқишларинг керак.

Йигит. Хўш, қанақа зарур иш экан, қани, гапиринг-чи.

Иғвогар *(атрофга қараб хавотирланиб)*. Жим... Тўхтанг, биров келяпти. Утиб кетсин... Ҳа, бугун бозор айланиб юрсам, маҳалламиздаги анови Норқул бор-ку, ўша, ойнадек йилтиллаб, қўйдек семириб, бозорда керилиб юрибди. Ҳа, сени қараб тур, дедим. Усти башанг денг. Ҳалиги, оти нимаиди? Пиёзнинг пардасига ўхшаган юпқа, ҳарир кўйлак кийган, оёғида лайлактумшуқ ботинка. Бунақа кўйлак, бунақа ботинкани умримда кўрмаганман. Ўзиям анча қиммат турса керак. Ҳа, се-

ни қараб тур, дедим. Ўзи бўлса заводда, анчайин, оддий ишчи бўлиб ишласа, бунақа кийимларни қайдан олади? Қани, айтинг-чи, қайдан? Ҳа, сени қараб тур, дедим. Бирор хуфня иши бўлса керак, деб ўйладим. Ҳа, яширин иши борлиги аниқ. Кейин у бозордан нималар харид қилар экан, деб кетидан кузатдим. Қарангки, бир олганда олтига қовун, саккизта тарвуз, ўн юмалоқ чой олди. Чойни эса тўқсон бешидан, конфетларнинг бўлса нуқул шоколадлигидан, шафтолини эса яшиги билан торт, деса бўладими! Ҳа, сени қараб тур, дедим. Нарн бориб иморат асбобларига харидор бўлди. Мен киши билмас қараб турибман. Бир олганда тўртта дераза, иккита эшик олиб машинага ортиб қолди-ку! Ҳа, айтгандек, яна бир даста ошиқ-мошиқ, ошиқ-мошиқ бўлганда ҳам, қанақасидан денг, ялтироқ, никеллик. Шундан билдимки, у янги участка ҳам қурмоқчи. Ҳа, сени қараб тур, дедим. Бу қандай гап, қандай бедодликки, бир қора ишчи участка қурса-я! Йўқ, ўзинг бир қингир ишни бор. Ҳа, аниқ. Мана сизга материал. Боплаб газетага урасиз.

Иигит. Ўзингиз қаерда ишлайсиз, амаки?

Иғвогар. Ҳеч қаерда ишламайман. Ўғлим яхши топади.

Иигит. Исм-фамилиянгиз?

Иғвогар. Ғийбатулло Ҳасратов.

Иигит. Анча бақувват кўринасиз, бирор иш топиб эрмак қилсангиз бўлмайдими?

Иғвогар. Ҳа, ўзим ҳам бирор ёғлироқ ишга киришни ўйлаган эдим. Аммо одамлар ёмон, мени ишга олишармиди. Ҳа, сенларни қараб тур, дедим. Мен шунақа соддаман, содда. Энди, ўғлим, мен сизга мана шунақа материаллар топиб бераверсаму сиз ёзиб чиқаверсангиз. Чойчақа арра бўлса.

Иигит. Яхши, бўлмаса, бу ишни ўзингиздан бошлаймиз.

Иғвогар. Нима дедилар, тушунмадим?

1
П и г и т. Газетада ўқийсиз.

И ғ в о г а р. Нималар деб ёзасиз? Нима деб сарлав-
ҳа қўямиз?

П и г и т. «Иғвогар» деб.

И ғ в о г а р. Ким у игвогар?

П и г и т. «Ҳа, сенларни қараб тур!» дейдиган киши-
да.

И ғ в о г а р. Ким у?

П и г и т. Сиз-да.

П и г и т кетади. Иғвогар унинг кетидан қараб қолади.

И ғ в о г а р. Ҳа, сени, қараб тур!..

ОЕҚ ОҒРИҒИ

Э р телефонда гаплашяпти.

Э р. Кеча ресторандаги маишатимизни айтяпсанми? Роса ичибмиз-да, ўртоқ. (*Ташқарига қараб хавотирланиб.*) Ёнимиздан ўтган аёлга сен гал отдингми, менми? Сенга шапалоқ тушдим, менгами? Роса ҳангома бўлди шекилли-а? (*Қотиб кулади.*) «Шунча пулни ўзинг тўлавординг», дейсанми? Мени биласан-ку, пул писанд эмас. Хўш, ўртоқ, қани айт-чи, бугун қайси ресторанга борамиз? Кечаги ўртоқларни йиғ, яна бир зиёфат қилай. Ҳа, йиғавер. (*Трубкани қўйиб.*) Кеча ресторандаги харажатларни мен тўлабманда-а? Қани, қанча тўладим экан, пулимни кўриб қўяй-чи. (*Хавотирланиб пайпоқ орасидан пул олиб санайди.*) Эллик манат тўлабман шекилли! (*Пулни яна пайпоққа бекитаётганида хотини кириб кўриб қолади.*) Бу харажатнинг ҳиссасини энди хотинимнинг чўнтагига тушиб чиқариб оламан. Ҳар гал чўнтагига тушганимни хотиним билмас эди. «Пулним камайиб қолибди, нима олдим экан?» деб қўя қоларди. У кун и ойлигини олиб келган экан, чакана қилиб ўтирмасдан чўнтагидан ҳаммасини олиб қўя қолдим. Шундан кейин мендан гумонсираб: «Пулимни сиз оладиганга ўхшайсиз», деб роса жанжал қилди. Мен ҳам бўш келмадим. Кўчада ўғирлатгансан, деб маҳкам туриб олдим. Шундан бери у мендан пулини яшириб юрадиган бўлди. Хотиним қурғур мендан ҳам баттар искаб-

юпар. Пулимни қаёққа қўйсам топиб олади. Чўнтакларим-
ни ағдар-тўнтар қилади. Кўрпаларни қати қолмайди, ки-
тобларни ораси қолмай қидиради. Отамдан қолган
эшак тўқими бор эди, шунинг орасига яшириб қўйсам,
шу ердан ҳам топиб олибди. Энди қасрга қўйсам экан,
деб ўйлаб-ўйлаб, хотиним сичқондан кўрқади-ку, деб
бир куни омборхонадаги сичқонпушакнинг тагига қўй-
сам, шу ердан ҳам топиб олса бўладими?

Хотини куришади.

Хотини. Ҳа, дадаси, чой ичдингизми? Сизга бирор
нарсa пишириб берай десам, уйда ҳеч нарсa йўқ.

Эр. Энди ойлик олгунимча эплаб турасан-да, хотини.
Майли, мен кетдим.

Хотини. Тўхтанг, эр, мана бу ёққа ўтиринг, бир гап-
лашиб қўяйлик.

Эр. Ҳўш, нимани гаплашасан?

Хотини. Сиз ҳамиша «Хотинжон, сендан жонимни
ҳам аямайман», дейсиз. Шу гап тўғрими?

Эр. Тўғри, хотинжон, тўғри. Жоним тугул сендан
пулимни, йўғ-а, ўзимни ҳам аямайман. Жонингизни бе-
ринг, десанг, ма, ола қол, дейман.

Хотини. Шундай бўлса, нега айтганимни қилмай-
сиз, рўзгорга қарамайсиз? Уйга жиҳозлар, буюмлар
ҳам олиш керак. Мана, ҳатто телевизоримиз ҳам йўқ,
эскиси бузилиб ётибди.

Эр. Вой, хотинжон-эй, баъзи нарсаларга ақлинг
ставермайди-да. Телевизорнинг бўлмагани яхши, хо-
тин. Ҳа, телевизор бор уйда ҳар куни жанжал, шуни
биласанми?

Хотини. Қанақа жанжал?

Эр. Ана, ақлинг етмагани шу-да. Телевизорда, ўзинг
биласан, ҳар куни минг хил концерт. Концерт бўлган-
дан кейин унда албатта кўзни қамаштирадиган аёл-

лар чиқиб, эшилиб, буралиб ўйнайди. Уларга эркаклар қарамайди дейсанми? Қарайди. Қараганда ҳам икки кўз билан қараш у ёқда турсин, бир кўзининг қири билан қараса ҳам хотинидан балога қолади. Ана жангу мана жанжал. Бизда ҳам шунақа жанжал бўлмасин дейман-да, хотинжон... Жанжал бўлса ҳам майли, олар эдим-ку, пул қани?

Хотин. «Растрат қилдим, тоғанимни шунга тўла-япман» дейсиз, бу ҳам ёлғонга ўхшайди.

Эр. Вой хотинжон-эй, бегоналарга ёлғон гапиришим мумкин, сенга ҳам ёлғон гапираманми? Растратга тўламаётган бўлсам, у пуллар қаёқда қолади? Қани, ўзинг айт, чўнтагимда бирор марта икки сўмдан ортиқ пул кўрганмисан? Қўрмагансан.

Хотин. Сизнинг чўнтагингиз ўзгарган.

Эр. Нима? Нима дединг? Чўнтак ҳам ўзгарадими?

Хотин. Ҳа, сизда тез-тез ўзгариб туради. Сизнинг чўнтагингиз гоҳ бошга, шляпага чиқади, гоҳ галстукнинг тугунига, гоҳ шимнинг липпасига ўрнашади. Мана энди, пайпоққа тушибди.

Эр. Пайпоққа, қанақа пайпоққа? Нима деяпсан ўзинг?

Хотин. Қани айтинг-чи, нима учун ётганда ҳам пайпоқни ечмай ётяпсиз?

Эр. Оёғим оғриқ, хотинжон, оёқ...

Хотин. Қани, мен кўрай-чи, қаери оғриқ экан? *(Кўрмоқчи бўлади.)*

Эр. Тегма, хотинжон, тегма. Ҳай-ҳай, шамоллатма, газак олади-я, газак! *(Хотин зўрлаб пайпоқ орасидан қорозга ўроғлиқ пул олади. Эр оёғининг оғриғидан кўнгли озган бўлиб, креслога суяниб, зўрға гапиради.)* Оёқ оғриқмай. Оёғимга пул боғламасам, юролмайман, юролмайман, хотинжон, тушунасанми? Бу оғриққа пул дори дейишади. Вой оёғим... вой оёғим... Пулни жойига қўй, хотинжон, қўй! Мана, оёғим музлаб қоляпти, шол бўляпман.

Хотин. Э, шунақами? Шол бўлиб қолманг тагин.
Мана, мана, жойига қўйиб қўйдим. (Қоғоздан пулни
олиб, пайпоққа қоғозни ўзини қўйиб қўяди. Эр ўзига
келган бўлиб, кўзини очиб хотинига қарайди.)

Эр. Ана, шунақа, хотинжон, оёғим оғриқ. Буни сен-
га билдирмай, ўзим дорисини қилиб юрган эдим.

Хотин. Мана, дорисини қўйиб қўйдим. Бемалол
юраверасиз энди.

Эр (оёғидаги пайпоқни ушлаб кўриб). Ҳа, ҳа, қў-
йиб қўйибсан. Раҳмат, хотинжон, раҳмат. Нақ бўлмаса
оёқдан ажралиб қолувдим-а! (Хотин чиқиб кетаётгани-
да пулни кўрсатади.)

Хотин. Дори бу ёқда қолибди-ку, эржон? Дорисиз
ҳам оёғингиз тузалганга ўхшайди. Бу дори энди менга
керак. (Эр ҳайрон, оқсоқланиб келиб креслога ўтириб
қолади.)



ИЛТИМОС

Ўқитувчининг кетидан бир киши ҳаллослаб келиб, йўлини тўсадн, таъзим қилади. Энтикиб гапира бошлайди.

1-киши. Ассалому алайкум, домлажон!.. Қалай, домлажон, соғ-саломатмилар? Тани жонлари соғми, домлажон? Дарвоқе, бола-чақалар чопқиллаб юришибдимми? Уҳ... излаб-излаб Маккани топибди, деганлари тўғри экан. Мен ҳам излаб-излаб уйлариин топиб, уйлариини сўрасам, келин, йўғ-э, ҳурматли келин аячамиз: «У кишини ҳозиргина чиқиб кетдилар», дедилар. Югурганимча қувдим... Ҳозир... ҳозир жиндай нафасимни ростлаб олай, домлажон. (*Ўтириб йзини елтийдн. Ўқитувчи бу кишини танимай ҳайрон.*) Ўзингиздан ўтар гап йўқ, домлажон. Бир ўғилчамиз институтга кирадиган бўлиб қолди, домлажон. Домлалар бу боладан доктор у ёқда турсин, мардикор ҳам чиқмайди, деб қабул қилишмади. Нега чиқмас экан, ўқийвергандан кейин, ахир чиқади-да. Мана, ўрта мактабда ҳам ўқийверди, ўқийверди. Ўн йил ўрнига ўн уч йил ўқиган бўлсаям, ишқилиб, битирди-ку. Докторликни ҳам олти йил бўлмаса, етти-саккиз йилда, боринги, ўн йилда бўлсаям, бир амаллаб битириб чиқар. Шундоқ қилиб ўша ўғлимни докторликка олишмади. Бу йил энди пединститутга киритмоқчи бўлдик. Бу институтга кириш учун биронта афандимми, эртакми айтиб берса бўлар эмиш, дейишди. Ўғилча деиғ, эртак айтишга устаси фа-

ранг. Шундай бўлса ҳам сизнинг турткингизсиз бўлмайди, домлажон.

Ўқитувчи. Кечирасиз, лекин сизни танимаяпман.

1-киши. Вой, домлажон-эй, танийсиз. Ҳозир ўзини танитаман. Ачавотлик Абдукарим деган ўртоғингиз борлар-ку? Ўша Абдукаримнинг амакиси бўлман. Сизни ўша кишининг уйларида, тўйда кўрганман, бирга ош еганмиз.

Ўқитувчи. Қачон?

1-киши. Ҳозир, ҳозир айтаман. (Ўйланиб.) Адашмасам, яқингинада, бундан тўққиз йилми, ўн йилми бурун.

Ўқитувчи. Хайр, шундай бўлгандир. Лекин мен сиз айтган институтда ишламайман, мабодо ишлаганимда ҳам, бу ишнинг уддасидан чиқолмасдим.

1-киши. Чиқасиз, домлажон, чиқасиз. Ҳамма домлаларнинг тили битта, бир-бирларини танишади, шундай эмасми? Энди бир илтимос-да, домлажон, йўқ деманг. Ўша ўртоғингизнинг ҳурмати, бир хизмат қилворадилар-да, домлажон. А, лаббай?

Ўқитувчи. Йўқ, овора бўлманг, мен бу илтимосингизни бажаролмайман.

Шошиб кетади. У киши ўқитувчи кетидан эргашади. Рўпарадан кеккайган, амалдорусха иккинчи киши чиқади.

2-киши (ўқитувчига). Э-ҳа, Воҳид, яхшимисан? Ишларинг дурустми? Институтда домлалик қилар экансан-да. Ҳа, яхши, жуда яхши. Домлалик ҳам ажабтовур дуруст ҳунар экан-у, билмас эканмиз-да. Девогдармиён қўшнимиз-ку, лекин сира кўришолмаймиз-а! Буни қара, хизматчилик-да, иш кўп.

Ўқитувчи. Йўқ, бизлар ҳар кунни кўришамиз. Мен сизни кўраман-у, лекин сиз мени кўрмайсиз.

2-киши. Бундан кейин мен шахсан сен билан кўришиб тураман. Сендан илтимос, ўғлим сен домлалик

қилаётган институтингга кирмоқчи. Ёрдам қилвора-сан-да. Қийим-пийим керак бўлса, фабрикамга бор. Тик-тириб бераман, келиндикми?

Ў қ и т у в ч и. Кечирасиз, бу иш қўлимдан келмай-ди. (*Кетаётганда учинчи киши келиб, йўлини тўсади.*)

3-киши. Эй, бормисан, дўстим! Салом. Сен менга жуда керак бўлиб қолдинг. Хўп де, илтимос! Укамни институтга киришига ёрдамлашиб юборсанг.

Ў қ и т у в ч и (*оғир нафас олиб*). Уҳ...

3-киши. Ҳа, нима бўлди?

Ў қ и т у в ч и. Безор бўлдим!

3-киши. Нимадан?

Ў қ и т у в ч и. Илтимослардан.

3-киши. Дўстлик ҳали шуми? Битта илтимосим-ниям бажармасанг, қанақа дўстсан?

Ў қ и т у в ч и. Шунинг учун дўст бўлсанг бўлмай қуя қол, қўлимдан келмайди, дедим-ку, тушунасанми, йўқми?

3-киши. Тушуниб турибман. Лекин қандай бўлма-син илтимосимни бажарасан.

Ў қ и т у в ч и. Қўй-эй, шунақа илтимослар жонимга тегди, бирор томонга бошимни олиб кетмасам бўлмай қолди. (*Қўл силтаб кетади. Илтимосчилар унинг кетидан юрадилар.*)

3-киши. Илтимосимни бажарасан, бажармасанг асло қўймайман.

1-киши. Ҳа, бизнинг илтимосимизни ҳам бажарасиз, бажарасиз!

2-киши. Менинг илтимосимни албатта бажарасан, ҳа, албатта.

Ўқитувчининг кетидан эргашиб чиқадилар. Чироқ ўчиб, ў қ и т у в ч и бир идорага кириб келади:

Ў қ и т у в ч и. Салом алайкум.

Х и з м а т ч и. Салом, келинг.

Ўқитувчи. Менга бирорта курортга путёвка бери-сангиз.

Хизматчи. Масалан, қаёққа?

Ўқитувчи. Қайсинисига бўлсаям розиман, иш-қилиб, бу шаҳардан гумдон бўлсам бўлгани.

Хизматчи. Қанақа касалчингиз бор?

Ўқитувчи. «Илтимос» деган касал, шу касал ме-ни ўраб олган. Шу вабодан қутулмасам бўлмай қолди.

Хизматчи. Ҳазилингизни қаранг-а! Ёруғ дунёда илтимос деган ҳам касал бўладими? (*Қотиб-қотиб ку-лади.*) Ҳа, айтгандай илтимос деганингизга бир нарса эсимга тушди. Ўзлари қаерда ишлайдилар?

Ўқитувчи. Институтда?

Хизматчи. Институтда?.. (*суюниб кетади, ўрни-дан туриб, таъзим билан ўқитувчини стулга ўтқазади.*) Қани, бу ёққа ўтирсинлар. Ҳай, ҳай... ҳай... Ахтарган кишимнинг худди ўзи экансиз. Ўз оёғингиз билан кириб келганингизни қаранг. Сизга бир илтимос бор. Ўғлим институтга...

Ўқитувчи (*чўчиб*). Нима, нима?!

Хизматчи. Илтимос...

Ўқитувчи. Илтимос... илтимос... илтимос... (*Бо-ши айланиб, ўтириб қолади.*)

ҲИКОЯЛАР

КАМПИРЛАР АҲДИ

Ҳамроқул ота кўчадан келганда Рузвон хола катта уйдаги симкаравотда узун енги билан юзини бекитиб ухлаб қолган эди. Рузвон холанинг бундай барвақт ётиб олгани Ҳамроқул отага қизиқ туюлди. Рузвон хола одатда кечалари не вақтгача ишдан иш чиқариб ивирсиб юрар, Ҳамроқул отадан кейин ётиб, ундан эрта турар эди. Унинг ҳозир ғуррак сайрагандек хуррак овози Ҳамроқул отанинг қулоғига аллақандай эшитилди. Ҳамроқул ота чопонини унинг устига аста ёпиб, ўйлади: кампири тушмагур жонининг қадрига энди етибди-да ёки бирор ери оғриб қолдимикин?

Ҳамроқул ота оёқ учида бориб деразада ғинғиллаб турган радиоприёмникни ўчирмоқчи бўлган эди, тескари бураб қўйиб, приёмник бирданига бақириб юборди.

Рузвон хола чўчиб ўрнидан турди:

—Вой, нима у, нима шовқин?

—Радио, радио,—деди Ҳамроқул ота кулиб.

—Хаҳ, ваҳмангиз қурсин! Туш кўриб ётган эканман, радионинг шовқини ҳам тушимга аралашиб кетди.

Ҳамроқул ота кампирига яқинлашиб, илжайиб деди:

—Бахайр, бевақт ётиб олибсиз?

Рузвон хола нимадир демоқчи бўлиб оғиз ўнглади-ю, нидамай, шошиб ошхонага қараб кетди. У гардин товоқда ош олиб келиб, Ҳамроқул отанинг олдига қўйди ва ўзи тиззасига жағини тираб омонатгина

ўтирди-да, бугунги бўлган воқеани бирма-бир айтиб берди.

Кеча Рузвон хола қўшниси Робия холаникига чиқибди. Чиқса, Робия хола йўқ, пахта теришга кетган эмиш. Рузвон хола ўйлаб кўриб Робия холанинг бу ишини маъқул топибди. «Шундай кунларда томга ташланган шафтолиқоқидек бир четда ётаверишимиз яхши эмас. Нима, қари бўлдик, пари бўлдикми? Қолхоз биз кампирларни, сизлар оғир иш қилманглар, деб дала ишига аралаштирмай келяпти. Ҳали белимизда қувват бор. Ҳар қандай ишга астойдил уринсак уддасидан чиқа оламиз», дебди-ю, эртадан у ҳам теримга чиқишга аҳд қилибди. Шундан кейин Қумрининг бригадасига борибди. Унга эртадан барвақт теримга тушишни айтиб, эртага қайси звенога боришини сўрабди. Унинг бу сўзини пахта териб юрган бир қиз эшитиб, кулибди.

—Теримга биздан вақтлик тушиб дейман, биздан ҳам кўп термоқчимисиз?

—Ҳа, нега куласан?—дебди Рузвон хола қизнинг бурнини чимдиб.—Пахта териш асли бизлардан қолган. Шу деганингга, бўпти, эртага сен билан ким кўп терар қиламиз.

Қиз яна қаҳ-қаҳ уриб кулибди:

— Бу шаҳдингиздан қайтинг. Ким кўп терарни сиз Робия буви билан қилаверинг. Пахта териш пилла терими эмас. Пахта теримида мен билан мусобақа ўйнаб тагин белингиз чиқиб, уволингизга қолмайин. Ҳаммадан ҳам Ҳамроқул отага товон тўлашни айтмай-сизми.

Қизнинг бу ҳазили Рузвон холага қаттиқ тегибди. «Ҳа, жуда ўзингдан кетма! Сен маҳмадона билан эртага гаплашамиз», деб Қумри кўрсатган ерни мўлжаллаб қайтибди.

Рузвон хола уйга келган ҳамоноқ сандиқни очиб бисотидан бир тўп газлама олиб ундан белига беш-ол-

ти маротаба ўраладиган қилиб узун белбоғ қилибди. Колхоз берган этак кўзига кичикроқ кўриниб, каттароқ этак ҳам тайёрлаб қўйибди.

Рузвон хола кечқурун ошни дамлаб, пахта терадиган машина билан эрталаб даштдаги ерга кетган Ҳамроқул отани кута-кута чарчади. У тез келавермагач, овқатни ёлғиз ўзига сузиб еди-да, эрта билан барвақт турадиган бўлсам, эртароқ ёта қолай, деб ётган экан.

Рузвон хола бу воқеани Ҳамроқул отага бирма-бир айтиб, «Яхши қилибманми?» дегандай унга қаради. Ҳамроқул ота ёғлиқ қўлини артиб, илжайди.

—Вой, кампирим-эй, нималарни ўйлабсиз. Бу ўйлаганингиз яхши-ку, лекин дала ишидан кейин қозон-товоққа ҳам ярамай сўлоғингиз ўйнаб қолмасин, деб қўрқаман.

Рузвон хола Ҳамроқул отага қараб деди:

—Ҳамма чиққанда менинг уйда ўтиришим уятдир.

—Майли, ундай бўлса,—деди Ҳамроқул ота.—Бугун сводкада колхозимизни кундалик терим бўйича кейинда кўриб, мен ҳам шуни ўйлаб қўйган эдим. Ҳозир колхозда ҳамма ишдан ҳам кўра пахта териш энг зарур иш бўлиб қолди. Мен ҳам хирмондан теримга ўтсам деб турибман.

Рузвон хола уйга кириб ҳалиги тайёрланган узун белбоғини кўтариб чиқди.

—Ундай бўлса, мана бу белбоғни белингизга боғлаб олинг, белингиз маҳкам бўлади, толиқмайсиз.

Ҳамроқул ота илжайиб, кампирнинг қўлидан белбоғини олди ва белига ўраб кўрди.

—Жуда бош, барака топинг. Ҳа, айтгандай, ўзингизга-чи?

—Менга керак эмас. Ҳалиям милтиқнинг ўқидекман.

Ҳамроқул ота хахолаб кулди, сигир, қўйларнинг маъраган овозини эшитиб, ўрнидан турди-да, молхонага кетди.

Бригада шийпонида катта йиғин бўлиб, колхоз партия ташкилотининг секретари мусобақадош колхознинг теримда илғорлиги ҳақида узоқ гапирди. У сўзининг охирида:

—Энди ўзимизнинг колхозга келсак,—деди ўтирганларга бир-бир разм солиб,—терим суръатимиз паст. Шу чоққача машиналар яхши териб турувди. Мана бу қурғур узлуксиз ёмғир уларнинг ишини бўғиб қўйди. Ҳозирча қўл теримига зўр бермасак бўлмайди. Бунн тушунган жуда кўп ёшларимиз, ҳатто қарияларимиз ҳам теримда ўзларини кўрсатишяпти. Мисол учун Рузвон холани олайлик. Ана, ўзлари ҳам ўтирибдилар. Бу киши Робия буви ва бошқа тенгқурлари билан теримга тушган кунларидан буён жуда ғайрат билан шахта теряптилар.

У куни Рузвон холага ҳазиллашиб: «Мен билан мусобақа ўйнаб, тагин белингиз синиб, уволингизга қолмайин», деган қиз ёнидагиларга қараб:

—Тўғри, бу кампирлар баъзи бир ёшлардан ҳам кўп териб, уларни уялтириб қўйишяпти. Биз буларни фақат яхши пиллачи деб ўйласак, яхши теримчи ҳам эканлар,—деб қўйди.

—Ҳа, шунақа бўлади,—деди Робия хола,—ўзингни эр билсанг, бошқани шер бил, деган гап бор.

Робия бувининг бу сўзини ичида такрорлаб, тасдиқлаб ўтирган Рузвон хола аста ўрнидан турди. У бир нима демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Худди саҳнага чиқиб айтадиган ашуласини эсидан чиқариб қўйган ашулачидай атрофга аланглади. Ҳамма унга қараб, уларга кўзи тушган сайин Рузвон хола ўзини йўқотар эди. У қўлт этиб ютинди-да, оқ дока рўмолини қўлоғига қистириб, рансга қаради:

—Раис ўғлим, бир гапим бор эди. Гапим шуки, ўзларини панага олиб, енгил ишларда ҳайбаракаллачи

булиб юрган баъзи бир эркакларнинг ишларини ҳам биз кампирлар қилсагу, уларни болалар боғчасига юборсак, улар болаларга қарашса,—деди.

Ҳамма кулиб, қарсак чалиб юборди.

Шу куни Рузвон хола мукофотга олган қўл машинасини Ҳамроқул отага кўтартириб уйга қайтаркан:

—Мана, кампирингиз ҳам ҳазилакам эмас,—деб қўйди Ҳамроқул отанинг биқинига туртиб.

ФАРЗАНД

Раҳим ота ҳовли тўла товуқларига дон сочаётиб, кампири билан ҳазиллашди.

—Кампир, мана бунингни қара,—деб кулди товуқлардан бирини кўрсатиб,—семизлиги худди ўзинг-а! Буни юришини кўр!

Ош тузини кўраётган Умри хола чолга қарайман деб, лаби куйди.

—Товуғингиз ҳам қурсин, гапингиз ҳам,—деди шошиб лабига турп пучоғини босиб.

—Ҳа, нима бўлди, лабингиз куйдим, ойим?

—Дард!

Раҳим ота қотиб кулди. Умри хола куюк ачиштирганиданми ёки чолининг ҳалиги гапи таъсир қилдими, бирдан тутақиб кетди:

—Ҳай, чол! Нега биз товуққа ўхшаб қолдик-а? Нима, товуқ бўлиб сизнинг донингизга қараб қолдимми? Сиз бригадир бўлсангиз, мен ҳам звено. Сиз 65 дан берган бўлсангиз, мен 73 дан бердим. Ҳа, шунга яраша мени ҳам колхозда илғор пахтакор деган номим бор, топарим-тутарим бор.

—Тўғри,—деди кулгидан ўзини зўрға тутиб Раҳим ота.—Мен уни айтмайман, анавини айтяпман. Унинг лапанглашини кўр, ўзини кўтара олмай қолибди жонивор. Уни қара!

—Биламан, менга шама қиялпсиз. Сиз ҳам семирсангиз йўқ дебманми? Чидаганга чиқарган. Иш ҳам

қиламан, гүшт ҳам. Сиз ҳам семирсангиз ярашадн. Қимсан Раҳим бригадасиз. Қани, семиринг-чи! Сизнинг бўлган-турганингиз шу.

— Оббо, шунга шунча гапми?—деди Раҳим ота молларга хашак солаётиб.—У куни: «Холхужанинг баччасидек бунча ҳадеганда соқолингизни қирдираверасиз», деганинда мен бирор нарса дедимми? Ҳазил деб кулдим. Сен ҳам ҳазилни билгин-да. Ҳазил бўлса ҳам тўғри айтдим. Нима, семизлигингни бўйинингга олмайсанми? Менинг озгинлигимни гапирма, унинг сабаби бор.

— Қанақа сабаб?—деди Умри кулиб.

— Битта сабаби жонсараклигим бўлса, иккинчиси яна бир нарса.

— Яна бир нарсаси нима у?—дея чолига яқинлашди Умри хола.

— Йўқ, сенга айтиб бўлмайди,—деди Раҳим ота ва авзойи ўзгариб, уйга кириб кетди.

Умри хола ошни сузиб кирди, токчадаги сиркани дастурхонга қўйиб, ёнбошлаб ётган Раҳим отанинг ёнига келиб ўтирди.

— Ошга қаранг, совиди.

Умри хола бир нарсадан хавотирлангандек Раҳим отанинг кўзига қараб жавдиради. Раҳим ота бенхтиёр косадаги турпдан олиб, оғзига солди ва ниманидир аламини шундан олаётгандай бор кучи билан қарсиллатди. У совий деб қолган ошдан бир ошам олиб узоқ чайнади-да, зўрға ютиб қўлини артди.

— Ҳа, нима бўлди сизга?—деди Умри хола баттар ташвиини ортиб.

Раҳим ота индамади, оғир нафас олиб ўрнидан турди. Печка ёнидаги стулчага бориб ўтирди, ловиллаб ёниб турган печканинг эшигини очиб кўрди. Кейин икки қўлини тиззасига тираб, узоқ ўйланди.

— Айта қолсангиз-чи, нимага хафасиз, нима гап ўзи?—деди ялиниб хотини.

Раҳим ота узоқ сукутдан сўнг деди:

— Мингтутлик қадрдоним Маматвойни биласан-а? Унинг Миркарим деган ўғли ўғлининг билан ўртоқ эди. Ўша Миркарим, биласанми, ҳозир ким? У катта бир ишда. Уни депутатликка кўрсатиб газетага ёзибдилар. Шунинг эшитиб кўп хурсанд бўлдим. Оддий бир боғбоннинг ўғли амалдор, депутат.

— Ҳамма амалдорлар ҳам шунақа оддий одамларнинг фарзанди-да. Ҳа, нима бўпти?

— Шунақаку-я, лекин Миркаримни эшитиб дардим янги бўлди. Бизнинг ўғлимиз ҳам ўлмаганда албатта шунақа таниқли киши бўларди. Лаънати уруш... Боя шу эсимга тушиб диққат бўп кетдим. Сен ҳам бир ўйлаб кўр. Иккимиз нима учун, ким учун яшаймиз? Бор-йўғи икки фарзанд кўрган бўлсак, бирини уруш олди, иккинчисининг умри қисқа экан. Сен-ку, аламда ёниб-ёниб, охири совидинг-а...

— Нега совир эканман? Эсимга солсангиз, яна ёнаман. Лекин бундай ўйласам, иложим қанча? Мен даладаги ишларим, юмушларим билан ўзимни юпатаман, овутаман. Сиз ота, мен эса она. Ота фарзандига оначалик куюнчак бўлмайди, дейишади. Она бўлиб мен ўзимни овутиб юрсаму, наҳот сиз, ота бўлиб ўзингизни совита олмасангиз?..

Ош дастурхонда қолди. Улар паришонҳол қиёфада нариги уйга кириб кетдилар. Эртаси куни Раҳим ота даладан қайтиб, ҳовлида тўрт-беш яшар бир қизалоқ ўйнаб юрганини кўриб ҳайрон қолди. Атлас кўйлакли, сочига ленталар тақилган бу қизалоқ дўмбоққина эди.

— Ким бу?—деб сўради Раҳим ота хотинидан.

— Қизингиз,—деди Умри хола ва ҳовлига қараб:— Қумрихон!—деб чақирди.

Қизча эшик остонасига югуриб келди.

— Келдингми, айланай? Сен кимнинг қизисан?

— Сизни, аяжон!—деди қизча жавдираб.

—Бўйишга қоқиндиқ, майли, бор ўйнайвер,—деди Умри хола.—Фарзандим йўқ деманг, мана шу бизга фарзанд. Биз фарзандларимизни йўқотган бўлсак, бу гўлак ота-онасини йўқотган экан. Болалар уйдан олиб келдим. Буни қиз қилиб мен ўзим куёвга чиқараман. Менинг топган-тутганим шунга.

Раҳим отанинг кўзи гўё ожизу ҳозир бирдан очилиб кетгандай бўлди. Қўнгли тўлиб ҳовлига чиқди ва қизалоқни меҳр билан бағрига босди.

И И Л Л А Р

Шинель ёқаси билан бетини ураб, қулоқчинини бостириб кийган, бутун огирлигини ҳассасига ташлаб кучли шамолга қарши оқсоқланиб келаётган йигит дарё қирғоғига келиб тўхтади. У йўгон камарга боғлаб, елкасига илиб олган чамадонча ва читга ўроғлиқ кўрпасини ерга қўйиб, атрофга қаради.

Атроф дашт... Тоғ... Ер бағирлаб эсаётган кучли шамол кўкракдан итаради. Чанг-тўзон орасида адир ошиб келаётган юк машиналари ҳар жой-ҳар жойга гарам қилиб ёғоч, цемент, қум, шағал тўкмоқда. Қаёқдандир гумбурлаган овозлар, яна аллақаяёқдан одамларнинг ашула ва қийқириқ товушлари эшитилади.

Йигит бир баландликка чиқиб, товуш чиқаётган чуқурликка қаради. У ерда зарб билан кетмон ураётган, қоп ва замбилларда тупроқ ташиётган, қўлқоп кийиб, йўгон лўм билан метин ерни юмшатаётган сон-саноқсиз кишиларни бир кўздан кечирди-да, тез-тез қадам босиб, уларга яқинлашди.

— Сизлар қайси областдансизлар?— деди йигит, бир четда кетмонини эговлаб ўтирган беқасам чопонли новча бир кишига қараб.

— Намангандан.

— Андижонликлар қаерда бўлади?

Новча йигит эговини белига қистириб, ўрнидан турди ва йигитнинг юзидаги сепкилга ўхшаш майда доғ-дугларга термилиб, жавоб қилди:

—Андижонликлар ҳам шу ерда. Сиз ҳам андижонликмисиз? Урушдан қайтдингизми дейман?

—Ҳа, яқинда госпиталдан чиқдим. Қишлоғимизга борсам, кўп танишлар йўқ. Сўрасам: «Фарҳодга кетинди, мана шу февраль ичи ўша ерда бўлишади», дейинди. Буни эшитиб мен ҳам келавердим.

—Жуда яхши қилибсиз, томоша қилиб кетасиз.

—Йўқ, мен ҳам ишлашга келдим,—деди йигит ва оқсоқ оёғини яширгандай чалиштириб, атрофга алаңлади.—Фарҳод тоғи мана шу бўлса керак-а? Бу... канал очилар экан-да?

Новча киши рўпарада жимир-жимир оқаётган дарёни кўрсатди:

—Мана шу Сирни янги ўзанга соламизу эски изига бош тўғон қурамыз.

Йигит нимагадир лабини тишлаб, бир оз жим қолди. Кейин каналда ишлаётган кишиларни кўриб, кўкрагини кўтарди ва оғир энтикди.

—Сув қачон ағдарилади?

—Бошлиқларнинг айтишича, шу йил сентябрда.

Йигит мамнуният билан атрофга қаради.

—Ҳали андижонликлар қаерда дедингиз?

—Мен ўзим бошлаб бораман, қани юраверинг.

Новча киши йигитнинг ҳол-жонига қўймай, юкини кўтариб олди ва уни канал бўйлаб бошлаб кетди.



Ер қазиш ишида уч-тўрт кун ичида Андижон колхозчилари ичида доврўқ қозонган бу оқсоқ йигит, тоғ қазишда ҳам «Фарҳод» лақабини олди. У бир куни катта кирки билан тоғ кесиб турган эди, бир тош парчаси учиб келиб пешонасига тегди. Шу чоқ кимдир шоҳи қийинини ечиб, унинг пешонасидаги қонни артди. Ҳаял ўтмай оқ халатли бир қиз пайдо бўлди. У йигитнинг

пешонасидаги қонни артиб, дори қўймоқчи эди, йигит бепарво илжайди.

—Овора бўлманг, синглим, зарари йўқ, тузалиб кетади.

— Овораси борми?— деди қиз дока билан унинг пешонасини боғлаб ва ёнига осиглиқ сумкасини титиб, ниманидир қидира бошлади. Йигит қизга узоқ тикилиб, унинг оқ рўмоли остидан чиқиб турган икки ўрим узун сочиини ва тез-тез пирпираб турган тимқора киприкларини кўздан кечирди-ю, юраги ғалати уриб кетди. Қиз уялиб, юзини яширишга ҳаракат қилди.

— Дорингиз ўткир экан. Дарров оғриғини қолдирди-я!

—Шундай бўлдимиз? Эҳтимол,—деди қиз шошиб ва кетишга тараддудланди.—Яна хабар оларман. Ҳозирча хайр.

Қиз билан бирга кетмоқчи бўлгандай ирғиб ўрнидан турган йигит унинг кетидан узоқ қараб қолди.

* * *

Тун... Йироқ-йироқларда электр чироқлари йилтиллайдди. Прожекторлар ёғдусига чўмган чуқур бир трассада чиқиб келган халатли қиз бирдан тўхтади. Қўлидаги электр чироқни ёқиб қаршисида турган кишининг юзига тутди.

—Кечирасиз, бу мен,—деди йигит елкасидаги кетмонини ерга қўйиб,

Қиз уни пешонасига боғланган оқ докадан таниди:

—Келинг, хизмат?

Йигит нима дейишини билмай ўнғайсизланди.

—Қўполлик бўлса ҳам сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим,—деди ниҳоят.

—Хўп, майли.

—Мен бу ерга келган кунимдан бошлаб сизни кўздан кечириб юраман. Сизнинг кўнглингизда аллақан-

дай бир гашилик бор, ҳеч очилмайсиз. Мен сиздан шу-
нинг сабабини билмоқчийдим.

Қиз йигитга бир қараб қўйди-да, бир нуқтага терми-
либ, узоқ туриб қолди ва анчадан кейин:

— Урушнинг касофати,—деб қўйди.

— Нима, бирор кишингиз урушдамиди?

— Ҳа.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир йўқ,—деди қиз кўзини яшириб. Сўнг кўнг-
лидан нималарнидир ўтказди-ю, йигитдан сўради:

— Сиз ҳам фронтдан келгансиз-а, қайси фронтда
бўлгансиз?

— Волга бўйида.

Қиз ўйланиб:

— Одам холис, ўша ерда Баҳодиров деган тошкент-
лик йигитни учратмаганмисиз?—деди.

Йигит ҳаяжонланиб сўради:

— У кимингиз бўлар эди?

Бу сўроқ қизга гўё: «Сиз сўраган йигит фалон жой-
да сизни излаб юрувди», дегандек бўлди-да, шошиб
жавоб қилди:

— Акам бўлар эди.

Йигитнинг кўзлари олайиб, ранги оқариб кетди. Бе-
ихтиёр қизнинг икки биллагидан маҳкам сиқди:

— Сиз Ёдгор Баҳодировнинг синглиси — Салимахон-
мисиз?

— Ҳа,—деди қиз ва кўзида ёш билан йигитга қаттиқ
тикилди.—Сиз акамни танирмидингиз? Унинг ўртоғи
андижонлик Йўлдош акани-чи? Акамнинг нобуд бўлга-
ни ростми?

— Ҳа, Ёдгор қаҳрамонона ҳалок бўлди. Сиз Йўлдош-
ни қайдан танийсиз?—қизга маъноли тикилди йигит.

— Ғойибона танир эдим,—деди қиз йигитга жавди-
раб,—хат орқали танишмиз.

Йигит қизга қараб қолди, бир пайт ёнини кавлаб
чўнтагидан хат олиб, қизга узатди. Қиз таажжубланиб,

хатни олди, уни очиб ўқиди-ю, ранги ўзгариб кетди: «Вой, Пулдошвой ака сизми?»

Иигит ўзини ойнада кўриб қолгандек, дўпписини яхшилаб кийди, шинель тугмаларини солиб, қизга қараб маъюс жилмайди. Улар анчагача жим қолдилар.

—Сизнинг таърифингизни акангиздан эшитган эдим. Шундан сўнг сиз билан хат орқали танишиб, сизга хат ёзган эдим. Дастлаб хатларимга жавоб ёзиб турдингиз. Лекин сўнгги вақтларда негадир...

—Ўў, мен хат ёзиб турдим. Сиздан хат бўлмагандан кейин ҳар хил хаёлларга бордим...—деди қиз уялиб.

—Тўғри, бир-икки ой бизнинг бўлинмамиз немисларнинг орқа томонида бўлиб хат юборолмадим. Кейин хат ёзсам ҳам сиздан жавоб бўлмади.

—Ҳа, биз Тошкентдан Наманганга кўчиб кетган эдик. Адресимиз ўзгарган эди.

Қиз ерга тикилиб ўйланди ва бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди:

—Акам бечора...

Иигит, лаби пирпираб, қизни юпатди.

Шу кеча улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди.

* * *

Дарё лабидан ўғилчасини етаклаб келаётган қорақўл пальтоли жувон бир нафас тўхтади-ю, бир вақт шу ерда бўлиб ўтган тунги суҳбатни эслади ва оғир энтикиб, ёнидаги оқ рўмолли кампирга канални ва бир неча тош биноларни кўрсатди.

—Буларни ҳам биз қурганмиз, ая,—деб қўйди.

—Бундан чиқди, ҳар қанақа иш ҳам қўлларингдан келадиган бўлиб қолган экан-да?

—Мана бу тўғон ишимизнинг энг каттаси эди,—деди жувон кампирга бош тўғонни кўрсатиб.

Улар тўғон устидан кесиб ўтаётганларида бола тўғон дарвозаларига урилиб қайтаётган сувни томоша қилиб, сўради:

— Ая, ая! Шу тўғонни дадам қурганмилар?

— Ҳа, дадагинанг қурган,— деди жувон жилмайиб.

Улар енгил машинага ўтириб жўнадилар. Дарёнинг нариги юзидан тўпланиб турган бир неча киши орасидан Йўлдошвой чиқиб келиб уларни кутиб олди.

— Кўриб келдиларингизми, ая?— деди Йўлдошвой.— Мен меҳнатдаги бахтимни ҳам, оиладаги бахтимни ҳам, яъни келинингизни ҳам мана шу ерда топганман.

Эр-хотин бир-бирларига маъноли қараб олишди. Кампир ўғли ва келинининг пешонасидан ўпиб, дуо қилди:

— Бахтинг ҳамиша йўлдош бўлсин, ўғлим, қўша қаринглар.